ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01068

ҚЎЛ ТЎПИ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШДА МУСОБАҚА ҚОИДАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

С. Х. Хабибуллаев
Чирчиқ давлат педагогика интститути катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қўл тўпи мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказишда муҳим бўлган мусобақа ўйин қоидалари юзасидан анкета сўровномаси ўтказилиб берилган нотўғри саволларга асосли тўғри маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Четлаштириш, огоҳлантириш, 7-метрлик жарима тўпи (пенальти), бурчак тўпи, тайм-аут, баҳсли тўп, қўшимча вақт, эркин зарба, ўйин вақти, ҳужум, блоқлаш, симуляция.

КИРИШ

Мустақилликдан кейин жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун бир қатор Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан 2020-йил 30-октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сонли фармонлари бунга яққол мисолдир. Қабул қилинган фармон ва қарорлар аҳолини саломатлигини мустахкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш ҳамда ривожлантиришда асосий омил бўлиб келмоқда.

Қўл тўпи ўйинида мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказишда ўйин қоидаларини тўлиқ билмаслик мусобақани адолатли ўтишига тўсқинлик қилиб турли тортишувларга сабаб бўлади.

Жисмоний маданият таълим йўналишининг 3-босқич талабалари ўртасида қўл тўпи мусобақа қоидалари бўйича сўровнома ўтказиб, талабаларнинг мусобақа қоидаларини билиш даражасини аниклаш ва камчиликларини бартараф этишда услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

МЕТОДОЛОГИЯ

Қўл тўпи ўйини бутун дунёда ва бизнинг Ўзбекистонда ҳам оммавий спорт турларидан бири бўлиб ёшлар ўртасида севиб ўйнайдиган спорт тури ҳисобланади. Қўл тўпи бўйича мусобақаларни ташкил қилиш ва ўтказишда ўйин қоидаларини тўлиқ билмаслик мусобақани адолатли ўтишига тўсқинлик қилиб турли тортишувларга сабаб бўлишини инобатга олиб Чирчиқ давлат

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01068

педагогика институти “Жисмоний маданият” таълим йўналишининг 3-босқич талабалари ўртасида Қўл тўпи мусобақа қоидаларига оид тезкор сўровнома ўтказдик.

Сўровномада Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” таълим йўналиши 3-босқич талабаларининг 10 нафари қатнашди. Бу сўровномада Қўл тўпи мусобақа қоидаларига оид 10 та савол ўртага ташланиб муҳокама қилинди.

Анкета сўравномаси бўйича маълумотлар

1-жадвал

№	Савол	Ха	Йўқ
1	Қўл тўпи ўйинида жамоа бир тайм давомида бешта фолдан ортиқ фол олса 7 метрли жарима тўпи тепиладими?	30%	70%
2	Қўл тўпи ўйинида қизил карточка олган ўйинчининг ўрнига бошқа ўйинчини тушуриш мумкинми?	70%	30%
3	Қўл тўпи ўйинида гол урилгандан кейин тўпни бошлаш учун рақиб ўйинчиларини майдон марказидан ўтишини кутиш керакми?	60%	40%
4	Қўл тўпи ўйинида химояланаётган жамоа дарвозабонига тўп тегиб эн чизиқдан чиқиб кетса бурчак тўпи бериладими?	80%	20%
5	Қўл тўпи ўйинида 2 дақиқа четлаштирилган ўйинчи яна майдонга қайтиб туша оладими?	60%	40%
6	Қўл тўпи ўйинида химояланаётган жамоа ўйинчисига тўп тегиб эн чизиқдан чиқиб кетса бурчак тўпи бериладими?	70%	30%
7	Тайм-аут олиш учун жамоа тўпга эгалик қилиб турган бўлиши керакми?	70%	30%
8	Қўл тўпи ўйинида қизил карточка олган ўйинчининг ўрнига бошқа ўйинчини 2 дақиқадан кейин майдонга тушуриш мумкинми?	70%	30%
9	Қўл тўпи ўйинида тўпни 3 секунтдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмасми?	60%	40%
10	Қўл тўпи ўйинида пенальти 7 метр масофадан бажариладими?	90%	10%

Ўтказилган анкета сўровномаси шуни кўрсатадики, Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” таълим йўналиши 3-босқич талабалари 1-саволга 3 нафар талаба (30%) ҳа, 7 нафар талаба (70%) йўқ дея жавоб беришди. 2-саволга эса 7 нафар талаба (70%) ҳа, 3 нафар талаба (30%) эса йўқ дея жавоб бердилар. 3-саволга 6 нафар талаба (60%) ҳа, 4 нафар талаба (40%) эса йўқ жавобини беришди. 4-саволга 8 нафар талаба (80%) ҳа, 2 нафар талаба (20%) эса йўқ деб жавобини беришди. 5-саволга 6 нафар талаба (60%) ҳа, 4 нафар талаба (40%) эса йўқ деб жавобини беришди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01068

6-саволга 8 нафар талаба (80%) ҳа, 2 нафар талаба (20%) эса йўқ деб жавобини беришди. 7-саволга 7 нафар талаба (70%) ҳа, 3 нафар талаба (30%) эса йўқ деб жавобини беришди. 8-саволга 7 нафар талаба (70%) ҳа, 3 нафар талаба (30%) эса йўқ деб жавобини беришди. 9-саволга 6 нафар талаба (60%) ҳа, 4 нафар талаба (40%) эса йўқ деб жавоб бердилар. Охирги 10-саволга 9 нафар талаба (90%) ва 1 талаба (10%) йўқ деб жавоб беришди.

Анкета сўравномаси натижалари

2-жадвал

Савол	Тўғри жавоб		Нотўғри жавоб	
	сони	Фоизи %	сони	Фоизи %
Биринчи савол	7	70%	3	30%
Иккинчи савол	7	70%	3	30%
Учинчи савол	4	40%	6	60%
Тўртинчи савол	2	20%	8	80%
Бешинчи савол	6	60%	4	40%
Олтинчи савол	8	80%	2	20%
Еттинчи савол	7	70%	3	30%
Саккизинчи савол	7	70%	3	30%
Тўққизинчи савол	6	60%	4	40%
Ўнинчи савол	9	90%	1	10%
Жами	**10**	**63%**	**10**	**37 %**

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Чирчиқ давлат педагогика институти “Жисмоний маданият” таълим йўналиши 3-босқич талабалари Қўл тўпи мусобақа қоидалари бўйича берилган 10 та саволларга 63% тўғри, 37% нотўғри жавоб беришган. Қўл тўпи мусобақа қоидалари юзасидан “Жисмоний маданият” таълим йўналиши 3-босқич талабалари томонидан берилган нотўғри жавоблар таҳлил қилиниб талабаларга тўғри маълумотлар тушунтирилди.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасаларида фақат мутахассислик дарсларини олиб бориш билан чикланиб қолмасдан, спорт ўйинлари, Қўл тўпи бўйича олий ўқув юртлари ўртасида ўртоқлик ва расмий мусобақаларни ташкил этиш, талабаларга спорт ўйинлари, қўл тўпи мусобақа қоидаларини мунтазам ўргатиб бориш ва мусобақаларда ҳакамлик қилишга жалб этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Талабаларни гуруҳлар, факультетлар ўртасида бўладиган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01068

мусобақаларда ҳақамлик қилишга ўргатиш, талабаларда спорт турларига ва мусобақа қоидаларига қизиқишни оширади.

REFERENCES

1. Павлов Ш.К., Абдалимов О.Х., Юсупова З.Е. Гандбол назарияси ва услубияти: Дарслик.-Т.”Фан ва технология”, 2017, 448 бет.
2. Хабибуллаев, С. Х. (2019). Жисмоний имконияти чекланган ўқувчилар организмининг функционал ҳолатини баҳолаш услубияти. *Муғаллим* , *1*(4), 148-153.
3. Хабибуллаев, С. Х. (2020/10). Футбол бўйича йиллик ва ойлик ўқув машғулотлар иш режасини тузишнинг самарали усули. Academic research in educational sciences (ares), volume 1, issue 2, 325-332.
4. Хабибуллаев, С. Х. (2020/11). Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Academic research in educational sciences (ares), volume 1, issue 3, 1150-1156.
5. S.X.Xabibullayev. (2020). Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida sport to‘garaklarini tashkil etishning samarali usuli. Maktab va hayot, №2, 23-25.
6. Хабибуллаев, С. Х. (2020). Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш. *Муғаллим* , №6, 143-146.
7. Xudayberganov, J. S., Xabibullaev, S. X., & Madyarova, M. M. (2020). Method of development of physical qualities of the high school class wrestlers on kurash. *International Journal on Integrated Education*, *3*(3), 169-173.
8. Худойберганов, Ж. С., & Хабибуллаев, С. Х. (2020). Спортда тарбия ва унинг хусусиятларини тарбиялаш йўллари (спорт ўйинлари мисолида). *Муғаллим*, *1*(1), 164-168.